

# ШАРТНОМА № 5

(2022 йил 20 май кунги №77815 сонли лотга асосан тузилган далолатнома юзасидан транспорт, техника механизми ёрдамида хизмат курсатиш тугрисида)

2022 йил 20 май

Жиззах шахри

Бир томонидан «ENERGO LOGISTIKA-JS» маъсулияти чекланган (келгусида «Бажарувчи» деб юритилади) жамият номидан раҳбари Р.Сайфиев ва иккинчи томонидан «Жиззах худудий электр тармоклари корхонаси» АЖ Низоми асосида фаолият курсатувчи корхона раҳбари Б.Ибрагимов (бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади) узаро келишиб ушбу шартномани туздилар

## 1. Шартнома предмети:

1.1. «Бажарувчи», «Буюртмачи» буюртмасига кура шартнома имзоланган кундан автокран транспорти билан ташкилот объектларидаги барча турдаги кран ишларини ҳамда буюртмачи томонидан курсатилган хизматларни бажаришни уз зиммасига олади.

1.2. «Буюртмачи» эса «Бажарувчи» томонидан узи иш хажмларини бажараётган курилиш объектларида барча турдаги кран ишларини ҳамда белгиланган меъёрлар асосида хизматлар курсатишда фойдаланади ва курсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун туловни амалга оширади.

## 2. Шартнома бахоси:

Шартноманинг киймати 590 000 000 (беш юз туксон миллион) амалдаги нархда автокран учун ишлаган хар бир мотачаст учун 297000 (икки юз туксон етти) сумни ташкил этади.

Шартнома киймати очик ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар ва норматив ҳужжатларга асосан узгариши мумкин.

Курсатилган хизматлар ҳаққини ҳисоблаш автокран буюртмачининг курсатмасига асосан гараждан еки бошқа турган жойидан чиқиб кетиш вақтидан бошланади

Шартнома томонларнинг узаро келишувига мувофиқ бекор қилиниши ёки узгартирилиши мумкин.

## 3. Ҳисоб-китоб тартиби:

3.1. «Буюртмачи» тасдиқлаган бирламчи ҳужжатларга асосан «Бажарувчи» реестр тузади ва «Буюртмачи» га ҳисобот ойдан кейинга ойнинг 5-санасигача ҳисоб фактура тулов учун тақдим қилинади.

3.2. Екилги мойлаш махсулотлари «Буюртмачи» яъни «ХЭТК» АЖ томонидан ҳам қуйиб берилиши мумкин ва ушбу қуйиб берилган екилги мойлаш махсулотларининг харажатлари «Бажарувчи» яъни «ENERGO LOGISTIKA-JS» МЧЖга курсатган хизматлари учун тулаб бериладиган маблағлардан ушлаб қолинади. Кран хайдовчиларининг барча харажатлари «Бажарувчи» зиммасига юклатилади.

3.3. "Буюртмачи" «Бажарувчи» нинг ойлик курсатган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб 15% олдиндан туловни амалга ширади.

3.4. Бажарилган ишлар учун тулов хар ойда амалда бажарилган ишлар кийматининг миқдорига амалга оширилади. Бажарилган ишлар киймати миқдорига пул маблағи "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига пул қучириш йули билан амалга оширилади.

## 4. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Шартнома 2022 йил 20-майдан бошлаб кучга қиради ва 2023 йил 31- декабрга қадар амал қилади.

Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Буюртмачи»да, бир нусхаси «Бажарувчи»да сақланади.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги:

5.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган еки лозим даражада бажармаган такдирда, бу тараф бошка тарафга етказилган зарарни тулайди.

5.2. «Бажарувчи»нинг айби билан белгиланган ишни уз вактида сифатли бажармаганлиги учун «Буюртмачи»га олиниси лозим булган хизмат хаккининг кечиккан хар бир куни учун 0,4 % микдорида жарима тулайди. Лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган юк хизмат хаккининг 50 % дан ошиб кетмаслиги зарур.

5.3. «Буюртмачи» белгиланган ишни уз вактида сифатли бажарганлиги учун шартномада курсатилган муддатларда «Бажарувчи»га уз вактида хизмат хаккини туламаганлиги учун олиниси лозим булган хизмат хаккининг кечиккан хар бир куни учун 0,4 % микдорида жарима тулайди. Лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган юк хизмат хаккининг 50 % дан ошиб кетмаслиги зарур.

## 6. Форс-мажор холатлари:

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (уруш эълон килиниси ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкени, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир).

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Узбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги булиб хисобланади.

6.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир курсатиши ёки монелик килиши тугрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Бошка шартлар.

7.1. Шартнома мажбуриятларини бажариш вактида «Бажарувчи» хизмат курсатишда 3 шахсларнинг транспортларидан хам фойдаланиши мумкин.

7.2. Шартнома мажбуриятларини бажармаслик окибатида келиб чиккан низолар рахбарият томонидан огзаки узаро келишув йули билан хал килинади.

7.3. Узаро келиша олмаган низолар Узбекистон Республикаси Конунчилиги доирасида даъвогар жойлашган худуддаги тегишли ХМКО лар оркали хал этилади.

«БУЮРТМАЧИ»

«БАЖАРУВЧИ»



Б.Ибрагимов

Ш.Рашидов тумани Токчилик МФЙ

Лойихачи кучаси №20 уй

«ENERGO LOGISTIKA-JS» МЧЖ

ИНН:309265898

МФО: 00676

Х/Р:20208000905489152001

«ХАЛК БАНК» Жиззах вил. филиали

Р.Сайфиев

